ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00502

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

А. Р. Давлатова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти филология фанлари номзоди

М. А. Ҳайитова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

ANNOTATSIYA

Мақолада Абдулла Орипов табиатан шоир эди, шоир улғайган макон ҳам унинг туйғуларини камол топиб боришига. Шу баробарида, унинг шеъриятга бўлган муносабати шаклланиб борди. Абдулла Орипов ўзига хос истеъдод соҳиби бўлиш билан бирга, бу соҳада етарли илмий ва амалий билимларни эгаллаши зарур эди. Шу мақсадда шу соҳа вакиллари бўлган улуғ устозларга маънавий шогирдликка тушди ҳамда катта ҳаёт тажрибасидан фойдаланди.

Калит сўзлар: шеърият, ўзбек лирикаси, сохтакорлик, қуруқ шиорбозлик, инжа туйғу, инсон қалби, индивидуал қобилият, интеллект, симфония, ватан, она табиат, тил софлиги, миллат манфаати, самимият, ҳақиқат.

THE PLACE OF ABDULLA ARIPOV'S POETRY IN UZBEK LITERATURE

A. R. Davlatova
Candidate of Philological Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute

M. A. Hayitova
Master of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

In the article, Abdulla Aripov was a poet by nature, and the place where the poet grew up was full of his feelings. At the same time, his attitude towards poetry was formed. Abdulla Aripov, in addition to having a unique talent, had to acquire sufficient scientific and practical knowledge in this field. To this end, he became a spiritual disciple of the great teachers of the field and benefited from his vast life experience.

Keywords: poetry, Uzbek lyrics, forgery, dry rhetoric, instinct, human heart, individual ability, intellect, symphony, homeland, mother nature, purity of language, national interest, sincerity, truth.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00502

КИРИШ

XX асрнинг ўрталари ўзбек лирикаси давр шеъриятида алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, сохтакорлик, қуруқ шиорбозлик давом этаётган тарихий бир шароитда инсон кўнгли, қалбида кечаётган инжа туйғуларни айта олиш улкан ҳодиса эди.

Миллий адабиётимизнинг фидойиларидан бўлган Абдулҳамид Чўлпон ва Фитратлар бошлаб берган янги тизим, самимий мисралар, инсон қалби манзараси инкишофини мақсад қилган сатрларга эга вазн кейинги шеърият табиатини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. XX аср ўзбек адабиёти ижод оламига ўз сўзи, овози билан бетакрор, фавқулодда истеъдодга эга бўлган бир гуруҳ шоир ва адибларни маънавиятимиз ривожи учун энг зарур вақтда тақдим этди.

Абдулла Орипов мана шундай шоирлар сирасига киради. У шеърият билан бирга ўсди, улғайди. Худди туйғулари камол топиб, чўнглашиб боргани каби адабиётга қараши, унинг масалаларига муайян муносабати ҳам шаклланиб борди. Ҳар бир одам ўзига хос индивидуал қобилият ва интеллект соҳиби. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Одам маълум соҳада муайян натижага эришиши учун албатта илмий ва амалий мактабларни ўтамоғи лозим. Абдулла Орипов мана шу мактабни улуғ устозларга маънавий шогирдликка тушиш, қолаверса, ҳаёт тажрибаси ёрдамида ўтади. Республикамизнинг биринчи президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг муҳокамасига бағишланган мажлисда: “Абдулла Ориповдек шоирлар юз йилда бир марта дунёга келади” [1], деб айтган эди.

Шоир ижод оламига кириб келган илк даврларданоқ сўзга, бадиий ижодга юксак ҳурмат ва ўта эҳтиёткорлик билан ёндашган. “Абдулла Орипов ижодида ҳар бир сўз узукка қўйилган кўздек нурланиб, мазмун билан уйғунлик ҳосил қилади. Ҳар бир шеър симфония, унинг ўз нотаси бор. Бу шеърларнинг яна бир хусусияти шуки, чақмоққанддек тил остида олиб юрсангиз, таъми чиқаверади. Оқибатда бу шеърлар ихтиёрсиз ёдда қолади [2].”

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Абдулла Орипов лирикасини ўрганиш, шеърларининг биографик асоси ва ижодкор шахсий кечинмаларининг ўзаро алоқалари чегарасини аниқлаб олиш, ундаги маънавий-руҳий қувватларни ўқиш ва уқиш, ҳаётий, фалсафий хулосалардан ибрат олиш бугунги авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00502

Шоир бадиий адабиётга кириб келган илк кунлардан бошлаб, Ватан, она табиат, тил софлигини сақлаб қолишга доир мавзуларни қаламга олди. Дастлабки шеърларидан тортиб, то умрининг сўнгги дамларида ёзилган асарларининг барчасида ифодаланган миллат манфаати, самимият, ҳақиқатга хизмат қилиш каби тушунчалар шоир ҳаётининг бош аъмоли эканлигини кўрсатиб турибди. Шоир умрининг сўнгги йилларида хасталик туфайли хориж шифохоналарида даволанди. Лекин ўша оғир дамларида ҳам бир лаҳза бўлса-да шеъриятдан узоқлашмади. Масалан, “Уммон бўйидаги ўйлар” шеъри йирик ҳажмда яъни 80 мисрадан иборат. Бу шеър 2015 йил 1 сентябрда ёзилган бўлиб, ватанимиз мустақиллик байрамига бағишловдир. Шоир гарчи жисман оғриқлар исканжасида бўлса ҳам, қалбан юртидан бир лаҳза ҳам айро тушмаганини гувоҳи бўламиз.

Менинг кўз ўнгимдан ҳар лаҳза, ҳар дам
Асло кетган эмас юртим жамоли.
Узоқ бу уммонда сузиб юрсам ҳам,
Юзимга урилди гўё шамоли.

Гоҳо тиғ тагида туриб ҳам ватан келажаги ва равнақи борасида ўй суриш улкан жасоратдир. Яратгандан умид қилганда ҳам ўз саломатлиги эмас, балки Ватани келажаги борасида ўтинди.

Бир умр курашдик орзулар учун,
Ҳавойи сўз айтиб, ўртама жонни.
Дунё карвонининг бошида бир кун
Кўрсам етарлидир Ўзбекистонни[3].

Шоир ҳар жабҳада мукаммалликни кўришни орзу қилади, дунёда инсоф, меҳр, диёнат, адолат, виждон каби матлаблар тобора ноёблашиб бораётганлигидан ташвишга тушади. Инсонни бадиий-фалсафий талқин қилиш шоир ижодида инсон талқинининг характерли хусусиятини ташкил этади.

НАТИЖАЛАР

“Шеър – руҳий ҳолат маҳсули. Руҳ ва тафаккур бирлашган жойда шеър пайдо бўлади. Шеърнинг туғилиши акс-садога боғлиқдир. Мияда мувозанат бузилдими, унинг акси ё ижобий, ё салбий шеърни яратади. Физика фанидаги мусбат ва манфий зарядларга ўхшаш бўлади. Адибда таассурот, қарама қаршилик кучли бўлганда ажойиб шеърлар туғилади”[4]. Ижодкор ҳаёт йўлидаги динамикасини, тарихий ва шу билан бирга гинетик томондан кузатишга ёрдам берувчи усуллардан бири биографик метод ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00502

Дарҳақиқат, шоир ҳаётида рўй берган яхши ҳодисалар ёхуд драматизмга бой воқеликлар ана шу кайфиятни ифода этувчи шеърлар яралишига замин тайёрлайди. Биографик методнинг мақсад ва вазифасига ижодкор тарихи ва унинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни ўрганиш киради. Биографик метод асосида, ўрганилаётган шахс ва уни ўраб турган атроф-муҳит таъсири ётадики, асарни таҳлил ёки талқин этиш жараёнида унда акс этган воқеа ҳодисалар, ё бўлмаса қаҳрамонлар характери аслида ўз ҳаётида учратган кимсалар характери билан узвий боғлиқ бўлиши мумкин.

Менинг битта армоним бор,
Кимлигинг билмай,
Сен ҳақингда чиқармасин биров хулоса.
Лекин юзсиз рақибларинг андиша қилмай,
Титкилайди таржимаи ҳолингни роса [5].

Бу мисралар ҳам лирик қаҳрамон шахсий ҳаётига алоқадор дея айта оламиз. Негаки атрофидаги айрим кимсаларнинг лирик қаҳрамонга берган озори, баъзи пайтларда тирноқ остидан кир қидиришлар бу каби мисраларнинг туғилишига замин ҳозирлагандир балки. “Адолат” деб номланган юқоридаги шеърда ҳасадгўйлик қораланади. XXI аср ўзбек одами нега бу ҳолатга тушиб қолганидан ҳайратга тушади. Билиб-билмай бошқа бир инсонга тош отиш, нафс ва мансаб илинжида бегуноҳ одамни бадном қилиш одати муаззам аждодларимиздан қолмаган эди-ку? Руҳ ва жисм эҳтиёжи орасидаги мезоннинг посангисини нега бошқара олмаяпмиз? Нега ҳар бир одам бугунга келиб ўз қилмишига жавоб бера олмай қолмоқда? Шоир бу каби ўйлар қаршисида руҳан эзилса-да, лекин ҳасад ва бадбин кимсалар қилмишидан анча баланд эканини, бу ҳолатни тақдирдан деб қабул қилиш анча яшаш учун осонроқ кечишини мана бу сатрлар орқали кўрсатиб беради:

Ташна чоғинг намакобни узатса тақдир,
Дейсан, ушбу ишорада маъно бор, катта.
Балки сувни ичолмассан, лекин барибир,
Шукроналар айтмоғинг шарт дилдан, албатта.

“Инсон болалари бир сайёрада истиқомат қилар эканлар бир-бирларидан ниманидир ўрганишлари шарт. Бир-бирига ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарашлари лозим.

МУҲОКАМА

Мен “Уммон орти илҳомлари” туркум шеърларни ёзар эканман, хаёлимда ҳар лаҳза мана шундай оғриқли саволлар ўтиб турди. Кўпгина шеърларимда шу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00502

каби мавзуларга ишоралар мавжуд ”- деб эътироф этган эди шоирнинг ўзи. Инсониятни тоза имон, тўғри йўл муқаррар гуноҳдан асраб қолишига даъват этади.

“Умримиз йўллари” шеърида ўз ҳаёт йўлига назар ташлайди. Шеърни ретроспектив таҳлил қилсак, шоир ҳаёти, шеърларининг психобиографик асосига замин ҳозирлаган воқеликларни ҳис қилгандек бўламиз. Босиб ўтган умр йўли сўнгида чиқарган хулосаларини фарзандига баён қилар экан, бу шоирнинг ҳаётий фалсафаси эканига амин бўламиз.

Ўғлим, фақатгина Ҳақнинг йўлин тут,
Мудом эзгулик деб қилгин ибодат.
Бир кун бу синовлар бўлгайдир унут,
Буюк иродангга таянгин фақат.

Бу шеър шоир вафотидан атиги беш ой илгари ёзилган. Ҳақиқий биографик тадқиқот юзага келиши учун тадқиқотчи ижодкор руҳиятига кириши, уни турли қирраларини кўрсата билиши, бу инсонни ҳаракат қилишига, гапиришига, нафас олишига мажбур этиши, энг муҳими, уни оила даврасида, ўзига хос одатлари билан тасаввур эта олиши лозим” [6].

Демак, юқоридаги шеърни биографик жиҳатдан тадқиқ этар эканмиз, Ҳаёт деб аталган катта даргоҳга одам бўлиб келиш осон, лекин Инсон бўлиб қолиш нақадар мушкул эканига шоир ишора қилгандек бўлади. Яъни бу дунёда ҳақиқий яшаш ва кун кўриш каби тушунчалар гарчи уйғун келса-да, аслида бошқа-бошқа эканини таъкидлайди. Яшашнинг маъноси турли синовлар қаршида мардона туриш чинакам инсонийлик, бойлик ва ҳашамат илинжида ўзлигидан воз кечиш, мустаҳкам ҳаётий тамойилга эга бўлмаслик оқибатида дуч келган нағмага ўйнаб кетавериш ҳаётнинг мувозанатини бузиб юборадиган фожеа эканлигини таъкидлайди. Шоир шунинг учун ён атрофидаги воқеаларга бефарқ қарамайди. Миллат дардини ўзиники деб билади. Айрим нопок хислатларга дучор бўлган кимсалар қилмишидан ранжийди. Бу шахсий кечинмалар фонида эмас, балки умуммиллий, умуминсоний идеаллар орзуси билан уйғун келади. Ана шу таҳлиллар шоирнинг бутун борлиғи, ижоди йўналиши самимият, адолат, инсонпарварликка айлана борганидан далолат беради.

ХУЛОСА

Шоир лирикасининг деярли барчаси психобиографик асосга эга деб айта оламиз. Лекин ўз навбатида уларни шунчаки шахсий кечинма деб қабул

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00502

қилмаслик керак. Чунки у одамзотнинг бир ютуғидан қувонса, бошқасидан ранжийди. Биз авлодлар эса буюк ижодкорлар фалсафий хулосаларидан ибрат олишимиз, адабий меросини англашиимиз ва амал қилишимиз керак.

REFERENCES

1. Иқтибос қуйидаги манбадан олинди: А.Орипов. Адолат кўзгуси.-Т.: “Адолат” 2005 йил.
2. Озод руҳ фалсафаси. И.Ғаниев, Н.Афоқова. Т., “Фан” нашриёти.
3. Орипов А. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т., 2016, 221-бет
4. “Гўзаллик қасри”// “Совет Ўзбекистони”, 1989 й. 20 сентябрь.
5. Орипов А. Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Т., 2016, 278-бет.
6. Узоқ Журақулов. Ҳудудсиз жилва. Т;. “Фан” нашриёти 2006 й. 22-бет.
7. Абдулла Орипов ижодий концепциясида миллий маънавият масаласи. ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2018, - № 1/3 Б. 395-399
8. “Шеъриятнинг мангу қўшиғи”. “Конституция – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати” мавзуидаги илмий-амалий анжуман материаллари. ТВЧДПИ . 2019. 29-31 бетлар
9. “Абдулла Орипов лирикасида диний-маърифий тушунчалар талқини”. Тил, адабиёт ва тарих масалалари. Илмий мақолалар тўплами. 2019 й.
10. Абдулла Орипов лирикасининг психобиографик тадқиқи (2009-2016 йиллар шеърияти мисолида). “Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” Халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. Том 1. Чирчиқ, 2019, 71-73 бетлар
11. Алишер Навоий лирикасида қадимги туркий сўзлар. “Шарқ юлдузи” журнали. 2020 йил, 8сон